КЕСИМДА ГРАММАТИКАЛИЗАЦИЯЛАШИШ

Ҳ.Закирова

Мақолада “у ёқда турсин” бирикмасининг грамматикалашув натижасида юклама вазифасини бажараётгани хусусида сўз боради. Унинг кесим билан келгандаги маъно хусусиятлари мисоллар таҳлили орқали кўрсатиб берилади.

***Калит сўзлар**: грамматикализация, градация, юклама, тушунча, стилистик услуб, зиддият, инкор, оттенка.*

В статье идёт речь о грамматикализации словосочетания «у ёкда турсин». На конкретных примерах показано функционирование данного словосочетания в качестве частицы.

***Ключевые слова**: грамматикализация, градация, частица, понятие, стилистический приём, противоречие, отрицание, оттенок.*

This article takes into consideration the grammaticalization process of the phrase of “u yoqda tursin” when used as a particle. Its meaning peculiarities in different parts of speech are analyzed with examples.

***Key words**: Grammaticalization, gradation, particle, meaning, opposition, stylistic style, negation.*

У ёқда турсин (ва унинг вариантлари - *у ёнда турсин, нарёқда турсин, нарида турсин, нари турсин* кабилар) бирикмасининг зидланган уюшиқ бўлакли конструкцияларда, хусусан, уюшган эгалар, уюшган тўлдирувчилар, уюшган аниқловчилар ҳамда уюшган ҳоллар билан келганда билдирган маъноларини таҳлил қилган эдик*. Ушбу мақолада *у ёқда турсин* юкламасининг ке-

сим билан келгандаги маъно хусусиятларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Зид маъноли кесимларнинг ҳар қандай тури ҳам *у ёқда турсин* юкламаси орқали уюшиб келавермайди. Уюшаётган кесимларнинг биринчиси (ёки олдингилари) фақат *–ш,-иш* аффикси орқали ҳосил бўлган ҳаракат номлари билан ифодалангандагина *у ёқда турсин* юкламаси келтирилиши ва кейинги бўлишсиз шаклдаги (баъзан бўлишли шаклдаги) кесим билан уюшиб келиши мумкин. Аммо *–ш,-иш* шаклидаги ҳаракат номлари гапда ҳамма вақт ҳам кесим вазифасида келавермайди. *У ёқда турсин* юкламасини олиб келган *–ш,-иш* шаклидаги ҳаракат номлари гапда эга, тўлдирувчи ва бошқа вазифаларда ҳам келиши мумкин.

Демак, *-ш,-иш* шаклидаги ҳаракат номи *у ёқда турсин* юкламаси билан келганда эга, тўлдирувчи, аниқловчи ёки кесим вазифасида келганлигини аниқлаш учун, албатта, кейинги уюшаётган бўлакнинг грамматик шаклига эътибор қилиш керак, чунки бу ерда (*-ш,-иш* шаклидаги ҳаракат номида) ҳаракат номининг грамматик вазифасини кўрсатувчи формал воситалар йўқ (одатда, ундай воситалар имплицит, яширин ҳолда бўлади). Ҳаракат номининг грамматик вазифасини фақат ўзи иштирок этган синтактик конструкцияни тўлиқ анализ қилгандагина конкретлаштириб бўлади. Агарда *у ёқда турсин* юкламаси уюшиқ бўлакларни зидлаш, таққослаш, чоғиштириш ва таъкидлаш учун хизмат қилаётган бўлса, кейинги уюшаётган бўлак қайси грамматик шаклда бўлса, *у ёқда турсин* юкламаси билан бирга келган ҳаракат номи ҳам ўша грамматик шаклда деб тасаввур қилинади ва ўша грамматик вазифани, яъни тўлдирувчи, эга ёки кесим вазифасини бажараётган бўлади.

Аммо *–ш,-иш* шаклидаги ҳаракат номи гапнинг кесими вазифасида келганда, унинг уюшган кесимлардан бирими ёки алоҳида, мустақил содда гапнинг кесими эканлигини белгилаш ҳам мураккаброқ.

У ёқда турсин юкламаси *–ш,-иш* шаклидаги ҳаракат номидан кейин келганда, ҳар доим у ҳаракат номини бўлишсиз шаклга айлантиради ва кейинги феъл шаклининг ҳам, асосан, бўлишсиз шаклда (зид маъноли гапларда эса бўлишли шаклда) келишини талаб қилади ҳамда шу кейинги феъл кесим қайси замонни, шахс-сонни кўрсатаётган бўлса, олдинги ҳаракат номи билан ифодаланган кесим ҳам ўша замон, шахс ва сонда келаётган деб тасаввур қилинади, уюшиқ кесим вазифасида деб таҳлил қилинади.

Зидланган уюшиқ кесимларда олдинги (*-ш,-иш* аффиксли ҳаракат номи орқали ифодаланган) кесим ўзидан кейин *у ёқда турсин, нарёқда турсин, нарида турсин, нари турсин* юкламаларини қабул қилганда, кейинги уюшаётган кесимлар составида ҳам бир неча ёрдамчи воситалар (*ҳатто, ҳам, аксинча, лоақал, ақалли* ва б.) қўлланиши мумкин. Бу воситаларнинг қўлланиши стилистик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Зидланган уюшиқ бўлакли гапларда баъзан бу воситаларнинг биттаси, баъзан эса бир нечтаси иштирок этиши мумкин. Баъзи гапларда эса фақат *у ёқда турсин* юкламасигина қўлланиб, бошқа воситалар имплицит ҳолда бўлади. Зидланган уюшиқ кесимларда ёрдамчи воситаларнинг қўлланишини қуйидагича кўринишларда учратиш мумкин:

а) кесим- *у ёқда турсин*, ...-кесим;

б) кесим- *у ёқда турсин, ҳатто* ... *ҳам* -кесим;

в) кесим- *у ёқда турсин, ҳатто* ... -кесим;

г) кесим- *у ёқда турсин, ... ҳам* –кесим;

д) кесим- *у ёқда турсин, ақалли, аксинча* ...-кесим.

Зидланган уюшиқ кесимлардан олдингиси *–ш,-иш* аффиксли ҳаракат номи билан ифодаланган ҳар доим ўзидан кейин *у ёқда турсин* юкламасини (ёки унинг вариантларидан бирини) қабул қилади ва кейинги кесимга нисбатан зидланади, таққосланади ва таъкидланади, кейинги кесим составида (кесим состави дейилганда, фақат кесим вазифасида келаётган сўз эмас, балки кесимга тобе бўлаклар ҳам назарда тутилади) эса *ҳатто, ҳам* юкламалари келтирилади, уларнинг ёрдамида кейинги кесимдаги мазмун кучайтирилади ва таъкидланади. Масалан, *Кейин масала талашиш у ёқда турсин, ҳатто ўзининг отини ҳам тополмай қолди (*А.Қаҳҳор*). Демак, гаплашмоқ у ёқда турсин, ҳатто саломлашмоқчи ҳам эмас (*Ж.Абдуллахонов. Борса келмас*). Қаерда дейсиз, кечирим сўраш у ёқда турсин, ҳатто қизаришмади ҳам ("Андижон ёшлари"* газетасидан*). Бу даврларда темурийлар Мовароуннаҳрни ўзаро тақсимлаб олган ва ҳар бири мустақилликка интилиб, Самарқандга бўйсуниш у ёқда турсин, ҳатто пойтахтга ҳам даъво қиларди* (П.Қодиров).

Юқоридагидек гапларда олдинги кесимга нисбатан кейингиси орқали ифодаланаётган маъно кам аҳамиятли бўлса ҳам, қимматини ошириш учун *у ёқда турсин* юкламасидан ташқари кейинги кесим составидан олдин *ҳатто* юкламаси қўлланган.

Ўғил-қизларининг қандай ўқиётганидан хабар олиш у ёқда турсин, ҳатто мактабдаги ота-оналар мажлисига, маҳалладаги йиғилишларга қатнашмас экан (А.Қаҳҳор). *Йигит телпагини ерга қўйиб, тошни олиб ирғитиш у ёқда турсин,*

* Қаранг: Ўзбек тили ва адабиёти // Тошкент, 2015, № 4. (92-96).

*ҳатто ўрнидан жилдира олмади (*Ж.Абдуллахонов. Борса келмас*).*

Бундай гапларда кейинги кесимдан англашилган мазмунни таъкидлаш, кучайтириш учун қўлланадиган *ҳатто* юкламаси ифодаланмай қолиши ва кейинги кесим составида *ҳам* юкламаси қўлланиши мумкин: *У касалхонага бориш у ёқда турсин, телефон ҳам қилмади.*

Кўпинча уюшаётган кесимлардан *–ш,-иш* аффиксли ҳаракат номи кейинги шахсли шаклдаги кесимга нисбатан муҳимроқ эканлигини таъкидлаш ва уларни таққослаш учун фақат *у ёқда турсин* юкламаси келтирилади: *Темиржон қайиқни бошқариш у ёқда турсин, бир нарса дейишга қурби етмасди (*Ж.Абдуллахонов. Борса келмас*). Маҳкам ака гапига жавоб олиш у ёқда турсин, қайрилиб қарамаётган чолнинг нимага хуноб бўлаётганини тушунолмади (*Ж.Абдуллахонов. Борса келмас*)..*

Бу гаплардаги *у ёқда турсин* юкламаси ўзидан олдин келган кесимни бўлишсизга айлантириб, *эмас* юкламасига ўхшаш функцияни бажариб келмоқда. *У ёқда турсин* юкламасининг ўрнига *эмас* юкламасини ҳам қўллаш мумкин. Лекин *эмас* юкламаси фақат инкорни англатаётган бўлса, *у ёқда турсин* юкламаси инкор билан бирга кейинги кесим орқали ифодаланган мазмуннинг ҳам инкор шаклда эканлигини, ҳам у олдингисига қараганда унчалик муҳим эмаслигини (ёки аксинча эканлигини) ҳақида ҳам хабар беради.

Юқоридагидек гапларда уюшаётган кесимларнинг биринчисидан кейин *у ёқда турсин* юкламаси келтирилиб, кейинги тасдиқ шаклдаги кесим состави таркибида кучайтирувчи воситалар имплицит ҳолда қўлланиши ҳам мумкин: *Лекин у алик олиш у ёқда турсин, юзини тескари ўгириб ўтиб кетарди* (“Андижон ёшлари” газетасидан). *Комилжон акам уриб-сўкиш у ёқда турсин, бир гал тўлғоғим тутганини кўриб жинни бўп қолаёзган-а* (А.Қаҳҳор).

Бу гаплардаги зидликни, қиёслашни кучайтирувчи воситалар (*балки, ҳатто, ҳам* кабилар) ифодаланмаган бўлса ҳам, гапнинг умумий интонациясидан зидлик маъноси билиниб туради.

Уюшаётган кесимлардаги зид маънони кучлироқ ифодалаш учун *у ёқда турсин* юкламаси *–ш,-иш* аффиксини олган ҳаракат номини бўлишсизга айлантиради ва кейинги тасдиқ шаклдаги кесим составидан олдин аксинча зидлов юкламаси келтирилади:

Хоқон неварасини жасур қилиб ўстиришга ҳаракат қилар, унинг йўлбарс билан ўйнашаётганини кўрганда, жаҳли чиқиш у ёқда турсин, аксинча хурсанд бўлган эди (П.Қодиров). *Одамлар дастурхон ёнида палов кутиб ўтириб, ўз ишлари ҳақида гапиришар, бевақт ўлган отаси тўғрисида ўйлаш, афсусланиш у ёқда турсин, аксинча бир-бирига тегажоғлик қилишиб ҳиринглашар эдилар* (А.Қаҳҳор).

Юқоридаги гапларда уюшаётган кесимларнинг олдингиси бўлишсиз, кейингиси бўлишли шаклда келмоқда:

Жаҳли чиқиш у ёқда турсин, аксинча хурсанд бўлган эди	*Жаҳли чиқмаган, аксинча хурсанд бўлган эди*
Отаси тўғрисида ўйлаш, афсусланиш у ёқда турсин, аксинча ҳиринглашар эдилар	*Отаси тўғрисида ўйламасдилар, афсусланишмасди, аксинча ҳиринглашар эдилар*

Бу ерда *у ёқда турсин* юкламаси бўлишсизликни ифадаловчи *–ма* аффикси билан вазифадош, лекин стилистик жиҳатдан фарқ қилади.

Уюшаётган кесимлардан олдингиси кейингисига қараганда муҳимроқ мазмунни ифодалаб, кейингиси ундан кам аҳамиятга эга бўлган мазмуннинг ҳам бажарилмаганлигини таъкидлаш, кучайтириш учун *ақалли, лоақал* сўзлари келтирилади:

- Йигит, бу нимаси. Мана бу ғўзаларнинг томоғига тупроқ уйиш у ёқда турсин, ақалли агатни қиртишламабди-я! (А.Қаҳҳор).

Солиштиринг: *Тупроқ уйиш у ёқда турсин – тупроқ уймабди*. Бу гапларда иккала кесимдан англашилган мазмун ҳам бўлишсиз шаклда келмоқда.

У ёқда турсин юкламаси орқали ҳосил бўлган конструкцияларни уюшиқ бўлакли гапми ёки икки содда гапдан тузилган қўшма гапми эканлигини аниқлашда у конструкциянинг грамматик эгасига эътибор берилади. Агарда *у ёқда турсин* юкламасини олган *–ш,-иш* шаклли ҳаракат номининг ва ундан кейинги шахсли шаклдаги кесимнинг бажарувчиси (грамматик эгаси) айнан бир сўз билан ифодаланган бўлса, у зидланиш усули орқали уюшган кесимлардан иборат бўлган, мураккаблашган содда гап саналади (бундай конструкцияларни биз юқорида кўриб ўтдик). Агарда *–ш,-иш* шаклдаги ҳаракат номининг бажарувчиси билан кейинги шахсли шаклдаги кесимнинг бажарувчиси бошқа-бошқа сўзлардан бўлса,у конструкция зид мазмунли қўшма гап саналади.

Аҳвол шундай бўлса, келгуси йилда биялар 450 тага етиши у ёқда турсин, борлари ҳам нобуд бўлиши мумкин (Газетадан*). Ўт ёқишга ўтин то-*

*пиш у ёқда турсин, жон асрашга ҳам арзугулик бир парча ер йўқ (*Ж.Абдуллахонов. Борса келмас*). Бу бозор ҳам, айниқса, ёз кунлари тиқилинч бўлиб, бемалол мол харид қилиш у ёқда турсин, оёқ босишга жой йўқ* (А.Қаххор). *Йўлда ухлаш у ёқда турсин, мен кўзимни ҳам юмолмайман.*

Юқоридаги гапларда *–ш, -иш* шаклидаги ҳаракат номи билан ифодаланган гаплардан кейин келган *у ёқда турсин* юкламаси биринчи гапдаги мазмунга иккинчи гапдаги мазмунни зид қўйиш учун хизмат қилмоқда, у кесимларнинг замон, шахс, сон каби грамматик категориялари эса кейинги гапнинг кесимларига қараб белгиланади:

Биялар 450 тага етиш у ёқда турсин – биялар 450 тага етмайди

Ўтин топиш у ёқда турсин – ўтин топилмайди;

Мол харид қилиш у ёқда турсин – мол харид қилиб бўлмайди;

Йўлда ухлаш у ёқда турсин – йўлда ухлай олмайман кабилар.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидагича хулосаларни чиқариш мумкин:

✓ *У ёқда турсин* (*у ёнда турсин, нарёқда турсин, нарида турсин, нари турсин*) бирикмалари юклама вазифасини бажарганда, синтактик конструкциялардаги кейинги компонентни олдингисига таққослаш ёки зид қўйиш учун хизмат қилади. Компонентлар таққосланаётганда, қиёсланаётганда *у ёқда турсин* юкламасидан ташқари иккинчи компонент олдидан *ҳатто, ҳам* кучайтирувчи элементлар келтирилади: баъзан буларнинг ҳар иккаласи, баъзан биттаси гапда қатнашиши, баъзан эса бу воситалар имплицит ҳолда ҳам ифодаланиши мумкин.

✓ Таққослашда кейинги компонент камликни ёки негатив хусусиятни билдирганда, уларни кучайтириш учун *лоақал, ақалли* ёрдамчилари ҳам хизмат қилади.

✓ Зид қўйишни таъкидлаш учун эса иккинчи компонентдан олдин кўпроқ *аксинча, балки* ёрдамчиларини талаб қилаётганга ўхшайди. Бу ёрдамчилар, кўпинча, имплицит ҳолда ифодаланади.

✓ *У ёқда турсин* юкламаси кўп хусусиятлари билан *эмас* юкламасига ўхшаш вазифани бажаради. Лекин бундай конструкцияларда *эмас* юкламасини қўлланишга қараганда *у ёқда турсин* юкламасини қўллаш ўз стилистик бўёқдорлиги билан ажралиб туради: стилистик градация ҳосил қилади.

✓ *У ёқда турсин* юкламаси уюшган (сифатдошлар билан ифодаланган) сифатловчи аниқловчиларда ва қўшма гапларнинг кесими билан келганда, бўлишсизлик ифодаловчи *–ма* аффиксининг вазифасини ҳам бажариши мумкин.

✓ *У ёқда турсин* бирикмаси юклама функциясида келганда, гапда зидланган уюшиқ бўлакларнинг ҳар қандай тури билан қўлланиши мумкин.

Кўринадики, *у ёқда турсин* (ва унинг вариантлари) юкламаси ҳозирги ўзбек адабий тилида кўплаб қўлланилмоқда, бу эса ўзбек адабий тилининг грамматик структураси тараққий қилаётганидан, унинг стилистик имкониятлари янада кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Шу сабабдан *у ёқда турсин* (ва унинг вариантлари)нинг грамматик ва семантик хусусиятларини атрофлича ўрганиш ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1.Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили.Синтаксис.– Т.: Ўқитувчи,1979.
2. Ўзбек тили грамматикаси, 2-том. Синтаксис. –Т, 1975
3. Турсунов И., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т, 1975
4. Ғуломов А. Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили. - Т., 1957.
5. Ҳожиев А. Лингвистик терминлар изоҳли луғати. -Т., 1985.
6. Ҳожиев А. Тўлиқсиз феъл. Т.: Фан, 1970.

Андижон давлат университети,
2017 йил 24 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)